

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**20 Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича  
компенсация пул тўловларининг механизми тўғри-  
сидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил  
9 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2175-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ўРҚ-379-сон «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 30 ноябрдаги 102-сон буйруғи (рўйхат рақами 2175, 2010 йил 30 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 531-модда) билан тасдиқланган Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

**Вазир**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 30 декабрь,  
88-сон

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2014 йил 30 декабрдаги  
88-сонли буйруғига  
ИЛОВА

**Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича  
компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 1-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«б) 1941 — 1945 йиллардаги уруш ногиронлари, қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, 1941 — 1945 йиллардаги урушда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ва вафот этган ногиронларнинг хотинлари. Уруш ногиронлари ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар доира-

си Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1 ва 2-сон иловаларида белгиланган.».

2. 2-банддаги «йиллар иккинчи жаҳон уруши» деган сўзлар «йиллардаги уруш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 3-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация суммаси жисмоний шахсларнинг жами даромадига қўшилади ҳамда иш ҳақи (пенсиялар, нафақа) тўланадиган муддатларда тўланади. Бунда, компенсациялар ҳар ойда корхона штатида турган ҳар бир ходимга (шу жумладан, ишловчи пенсионерларга) иш жойида, ишламайдиган пенсионерларга ва нафақа оладиган болалиқдан ногиронларга ҳамда нафақа оладиган пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган, меҳнатга қобилиятсиз кекса фуқароларга — пенсия (нафақа) олиш жойида тўланади.».

4. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга компенсация уни олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатни илова қилган ҳолда компенсация тайинлаш тўғрисида ариза топширилган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан тайинланади.».

5. 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Тайинланган компенсацияни тўлаш:

пенсия (нафақа) тўлаш муддати тамом бўлганда;

кетма-кет уч ойдан ортиқ вақт мобайнида почта алоқаси ташкилоти орқали компенсация олинмаганда;

фуқаро озодликдан маҳрум этилганда;

фуқаро руҳий беморлар интернат уйларида яшаганда;

компенсацияни тўлашни тўхтатиб туриш тўғрисида фуқаро томонидан ариза берилганда тўхтатиб турилади.

Тайинланган компенсацияни тўлаш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам тўхтатиб турилиши мумкин.

Компенсацияни тўлаш фуқаро ёки унинг васийси томонидан компенсацияни тўлашни тиклаш тўғрисида ариза тақдим этилгандан, шунингдек шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатгандан сўнг тикланади.

Фуқаронинг суд ҳукми бўйича озодликдан маҳрум этиш жойларида бўлган вақти учун компенсация тўланмайди. Фуқаро озод бўлгандан кейин компенсация тўлаш компенсацияни тўлашни тиклаш тўғрисида ариза берилган кундан бошлаб тикланади.».

6. Қуйидаги мазмундаги 11<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«11<sup>1</sup>. Тайинланган компенсацияни тўлаш:

фуқаро вафот этганда;

тайинланган компенсацияга ҳуқуқлар йўқолганда;

доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига чиқиб кетилганда тўхтатилади.».